Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918—1920 й.), «Қизил байроқ» (1920—1923 й.), «Туркистон» (1923—1924 й.). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й.). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 33 (21. 152) 1992 йил 15 февраль, шанба ● Баҳоси 60 тийин.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Янгиликлар. Воқеалар. Шарҳлар.

ЎЗБЕКИСТОНИМИЗНИНГ НУРЛИ КЕЛАЖАГИГА ИШОНАМИЗ

ПРЕЗИДЕНТ НОМИГА КЕЛГАН ХАТЛАРДАН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Атак-чечак қилаётган истиқлолимиз кун сайин тўлишиб бормоқда. Халқимиз республика ҳукумати юритаётган сиёсатни зўр диққат билан кузатаётир. Илгариги қараб ташланган ҳар бир қадамимизнинг пишиқ-пухта ва ишончли бўлиши учун жон куйдирмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон мустақиллигига дахл қилувчи ҳаракатлар қаттиқ зарбага учрамоқда.

Талабалар шаҳарчасидаги тартибсизлик муносабати билан фуқаролардан олинаётган кўплаб хатлар ва шошилинч номаларда ҳам ана шу руҳ мужассамлашган. Қўйида шу хатларнинг айрим ларини газетхонлар эътиборига ҳавола этамиз.

БИЗ СИЗ ТОМОНДА

Мен меҳнат фахрийсиман. 45 йил колхоз-совхозда раҳбарлик қилдим. Ҳозир ҳам ишламоқдаман. Иш даврида ҳар хил яхши-ёмон гаплар бўлади.

Лекин мард инсонларгина ҳақиқатнинг юзига тик қарай оладилар.

Исломжон, Сиз ўзингизни бардам тутинг. Ўзбекистон учун қилаётган яхши ишларингизни жумҳуриятимиз душманларигина кўролмайдилар. Халқимиз Сиз томонда. Бахтимизга омон бўлинг.

АКБАРАЛИ АБДУВАЛИЕВ,
Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри, Чек қишлоғи.

●

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовга!
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатига!

ҚАТТИҚ ЖАЗОЛАНИШИ КЕРАК

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!
Ҳурматли Олий Кенгаш Раёсати!

Тошкент шаҳрининг Талабалар шаҳарчасида шу йил 16-17 январь кунлари рўй берган воқеалар севимли Ўзбекистонимизнинг софдил кишилари каби бизнинг қалбларимизни ҳам ларзага келтирди.

Ушбу нохуш воқеалар замирида қора ниятли кучлар мавжудлиги яққол сезилиб турибди. Бу кучлар доимо орқадан тош отиб ўрганган, ўзбек халқининг ёркин кунларини кўраолмайдиган, қалби нопок, пасткаш кишилардан иборатдир. Бизнинг уларга нисбатан нафратимиз чексиздир.

Айниқса не-не машаққатлар билан эришилган мустақиллигимиз йўлида илк дадил қадамлар қўйилаётган, она-юртимизни мустақил давлат сифатида жаҳоннинг тўқсонга яқин давлати тан олган бир пайтда бу воқеларнинг рўй бериши жуда ачинарлидир. Унинг ташкилотчилари ҳаракатини ўта кетган пасткашлик ва нифслик деб тушинамиз.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, шу йил 19 январдаги Тошкент шаҳри фаоллари билан учрашувдаги изтиробга тўла оташин нутқингизни, ундаги хулосаларни тўла қувватлаймиз.

Воқеалар таҳлилида келтирилган ҳақиқий фактлар, айниқса оқибати фожеа билан тугаган, тўқнашувларга олиб борган оммавий тартибсизликларни келтириб чиқаришда, ҳис-туйғуларга тез берилиб кетадиган, ҳали шаклланиб улгурмаган ижтимоий муҳитдан фойдаланилганлиги, қора кучларнинг ниятлари ниҳоятда қора эканлиги тўғри кўрсатилган. Талабаларда айб йўқлиги, ёшлар орасида чиққан низонинг сабаб-моҳиятларини жуда тўғри ва аниқ кўрсатиб, ёт унсурларнинг вазиятдан фойдаланиб, пойлаб туриб зарба берганлиги тўғрисидаги фикрингизга тўла қўшиламиз.

Президентимизнинг иқтисодни мустаҳкамлаш борасида Республика раҳбариятига маълум вақт ва самарали ишлаш учун имкон кераклиги ҳақидаги фикрлари катта эътиборга лойиқ деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, бугунги талабаларнинг билими ва касб тайёргарлиги Республикамиз келажагида ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Бу борада яна шуни таъкидлаймизки, талабалар орасида ҳам эҳтиросларга берилиб кетадиган, чуқур билимга чанқоқ бўлмаган ёшлар борлиги, олий билимгоҳларда таълим-тарбия ишлари талаб даражасида эмаслиги бизларни хавотирга солади.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич! Биз шахсан Сиз ва Сизнинг раҳбарлигингиздаги республика ҳукуматининг Ўзбекистон равнақи йўлидаги кўп қиррали сиёсатининг тўғри эканлигини тўла тан оламиз. Ҳозирги оғир шароитда халқимизни ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги меҳнатингизни қадрлаймиз.

Сиздан ва Олий Кенгаш Раёсатидан илтимосимиз: фожеа сабаблари тез кунда аниқланиб, жиноятчилар ўз қабиҳ ишлари учун қаттиқ жазоланишлари керак. Улар халқ нафратига ва яратганнинг ғазабига учрасинлар!

Тилагимиз, 16-17 январь воқеалари қадрдон Ўзбекистонимиз осмонидаги охирги қора булутлар бўлсин!

Биз, Ўзбекистонимиз келажаги порлоқ бўлишига тўла ишонамиз. Шу улуғ диёрнинг жонкуяр раҳбари сифатида Сизга сиҳат-саломатлик, метин ирода, сабот ва матонат тилаймиз!

Амударё райони халқи ҳамиша Сиз билан.

(Ушбу мурожаатнома 25 январь куни район фаолларининг йиғилишида қабул қилинган).

ФАОЛЛАР ҲУЗУРИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов 13-14 февраль кунлари Бухоро вилояти меҳнат жамоаларида бўлиб, партия фаоллари билан мулоқотга кирди, уларнинг фикр ва мулоҳазаларини эшитди.

14 февраль куни вилоят партия кенгаши мажлислар залида вилоят маркази бошланғич партия ташкилотлари, шаҳар ва район кенгашларининг котиблари билан учрашди. Нотиқ парламент партияси шароитида сиёсий иш олиб бориш хусусиятлари тўғрисида гапирди, фаолларнинг кўпдан-кўп саволларига батафсил жавоб берди.

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МДҲ РАҲБАРЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ БОШЛАНДИ

МИНСК, 14 февраль. (БЕЛТА — ТАСС мухбири). Бугун бу ерда МДҲ давлатлари бошлиқларининг учрашуви бошланди. Собиқ СССР қуролли кучларининг тақдири учрашув қатнашчиларининг диққат марказида турибди. Собиқ Беларусь Компартияси Марказий Комитети сиёсий бюросининг мажлислар залида МДҲдаги 9 мамлакатнинг олий раҳбарлари йиғилишди.

ЎЗБЕКИСТОН ЕВРОПА БАНКИГА АЪЗО БЎЛМОҚДА

Европа таъмирлаш ва тараққиёт банкининг шу банк вице-президенти М. Немет бошчилигидаги катта делегацияси Ўзбекистон Республикасига келди. Меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов, республика ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқарувининг раиси Р. С. Азимов билан музокаралар олиб бордилар ва маслаҳатлашдилар, меҳмонлар Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиғида қабул қилинди.

Ана шу музокаралар чоғида Ўзбекистоннинг Европа банки муассислари сафига кириши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Банкнинг республикадаги фаолиятининг устивор йўналишлари, хорижий сармояларнинг имкониятлари, иқтисодий ислоҳотнинг бориши тўғрисида фикрлашиб олинди.

Делегацияни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов қабул қилди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида М. Немет самимий кутиб олганликлари учун миннатдорчилик билдирди ва яқин келажакда муваффақиятли ҳамкорлик қилишга умид изҳор этди. Банк директорлари кенгаши собиқ СССР республикалари, ҳозирги мустақил давлатлар банкимизнинг аъзоси бўлиш ҳуқуқига эгадирлар, деб ҳисобламоқда, деб уқтирди у. Айни пайтда жуда катта имкониятларга эга бўлган Ўрта Осиё минтақасига алоҳида эътибор берилмоқда. Банк вице-президенти Ўзбекистоннинг шу ташкилотга қўшилиши тўғрисидаги масала тез орада ҳал қилинади, деб ишонч билдирди. Шундан кейинок банк экспертлари Ўзбекистон билан ҳамкорликнинг стратегик йўлини ишлаб чиқишга ва бу ҳамкорликнинг устивор йўналишларини аниқлашга киришдилар.

М. Немет Европа таъмирлаш ва тараққиёт банкининг фаолияти тўғрисидаги ахборот материаллари тўпламини Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовга топшириш-ни илтимос қилди.

Бош вазир А. Муталов банк Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиб яхши натижа олиши мумкин, деб ишонтирди. Республика бой табиат ресурсларига эгадир, унинг иқтисодиёти собиқ Иттифоқ доирасида ҳам хом ашё етиштиришга йўналтирилган бўлишига қарамай, иқтисодиётнинг барча соҳаларини муваффақиятли ривожлантириш учун Ўзбекистонда ҳамма имкониятлар бор. Хорижий сармоядан фойдаланиш соҳасида дастлабки қадамлар қўйилмоқда. Бу ишда республиканинг тажрибаси кўп эмас, шу сабабли Европа таъмирлаш ва тараққиёт банкининг амалий ёрдам беришига умид қилинмоқда.

Учрашув Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг банк муассислари сафига Ўзбекистонни қабул қилиш тўғрисидаги расмий мурожаатини А. Муталов тантанали имзолаши билан ниҳоясига етди.

(ЎзА).

СУРАТДА: қабул пайти.

А. ГОРОКРИК (ЎзА) олган сурат.

«Ўзбекистон овози» рўзномаси ёрдам жамғармасига

ДАСТЛАБКИ 100 000 СЎМ

ТОШКЕНТ ЧИННИ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ БИЛАН ҲОМИЙЛИК ШАРТНОМАСИ ТУЗИЛДИ

Бу завод маҳсулотлари шунчаки чинни буюмлари эмас, балки нафис санъат асарлари эканлиги ҳаммага маълум. Улкан ишхона тамғаси босилган бежирим лаган, чойнак, пиёла, ликопчалар хонадонлардаги ойнаванд жовонларимизни безаб турибди. Бу ерда ишланган жарангос санъат асарлари мустақил Ўзбекистонимизнинг давлатлараро муносабатларида муносиб ўрин эгаллади. Олий даражадаги учрашувларда Президентимиз И. Каримов юксак мартабали арбобларга ҳурмат билдириб ҳадя этаётган чинни буюмларни худди шу жамоанинг машҳур ишчилари, диди баланд рассомлари тайёрлашади.

Республикамиздаги кўплаб меҳнат жамоалари сингари бу чинни заводи жамоаси ҳам анча қийинчиликларни бошидан кечирди. Бозор иқтисодиёти, эркин нархлар жорий қилиниши йил бошида ишчи-хизматчиларга бирданига катта маош бериш имкониятини бироз қисиб қўйди. Ўтган йил ҳисоб-китоби пухта якунлангач, ҳамма нарса изига тушиб кетди. Ҳозир бу ерда ишловчиларнинг ўртача маоши минг сўмга яқин.

Завод маъмурияти, ХДП ташкилоти ва касаба уюшмаси раҳбарларининг саъи ҳаракатлари билан ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш яхши йўлга қўйилмоқда. Ишчилар заводга келиб-кетишда қийналмайдилар — махсус буюртма автобуслар ажратилган. Нонушта текин. Тушлик овқат учун беш сўмдан ёрдам пули берилади. Нон, бошқа озиқ-овқат ва саноат моллари билан таъминлаб турилади.

Кеча рўзномамиз вакиллари шу заводда бўлди.

— Ҳа, мураккаб давр,— деди завод директори Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Ф. Н. Раҳматуллаев. — Лекин баҳамжиҳат бўлсак, ҳаммасини енгиб ўтамиз. Нарх-наво кескин ошиши муносабати билан «Ўзбекистон овози» жамоасининг бошига тушган молиявий қийинчилик ҳақида эшитиб биз ҳам қайғурдик. Воқеликни ҳамиша босиқлик билан тушунтириб, миллий қадриятлар тикланишига ҳисса қўшган, муаммоларимизни ошкора ёритиб, халққа кўмаклашаётган рўзнома сира тўхтаб қолмаслиги керак. Айниқса, бизнинг бу рўзномадан умидимиз катта. Бу ерда биз маслаҳатлашиб қадрдон рўзномамиз ёрдам жамғармаси ҳисобига юз минг сўм пул ўтказишга қарор қилдик.

Рўзнома бош муҳаррири, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Расул Раҳмонов қадимий ноёб ҳунарлардан бири — чиннисозлик касбини шарафлаётган ишчи ва рассомларга қарата миннатдорчилик сўзлари билан мурожаат қилди.

— Азизлар, журналистлар жамоаси билан ЎзХДП Марказий Кенгаши муассислар сифатида сизларнинг рўзномангиз «Ўзбекистон овози»ни янада жарангдор, сермазмун қилиш учун изланмоқда. Шўро тузумининг шафқатсиз очарчилик йилларида ҳам, Улуғ Ватан уруши даврида ҳам тўхтамай чиққан рўзномани аввало унинг ўқувчилари, минг-минглаб дўстлари, айниқса партия Раиси, Президентимиз Ислом Абдуғаниевич қўллаб-қувватламоқда. Чунки рўзнома халқники. У мустақил Ўзбекистон давлатининг ички ва ташқи обрўси учун курашади. Сиз кўрсатган ҳиммат сира ерда қолиб кетмайди, бу озод давлатнинг ошкора сиёсатини ўз томонингиздан қўллаб-қувватлашингиздир.

Учрашув сўнггида рўзнома таҳририяти ва чинни заводи жамоаси ўртасида ўзаро ҳомийлик шартномаси имзоланди.

А. АБДУБАННОПОВ.

●

Суратда: ҳомийлик шартномасини имзолаш пайти.
В. МОЛГАЧЕВ суратги.

Азиз муштарийлар, муҳтарам юртпарвар жамоалар, маънавият, зиё шинавандалари!

Чиннисозлар ташаббусини қўллаб, баҳоли қудрат ўз ҳиммат-ингизни аямайсиз, деган умиддамиз!

Эслатиб ўтамиз: «Ўзбекистон овози» рўзномаси ёрдам жамғармасининг банк ҳисоби: Тошкент шаҳри, «Узагропромбанк», ҳисоб-китоб рақами — 000363902, код (МФО) — 172682403.

Ўзбекистон—АҚШ

ТИНЧЛИК ТАШРИФИ

● Жеймс Бейкер сафарига катта қизиқиш
● «Буюк ипак йўли» чорраҳасидаги унутилмас учрашувлар
● Ҳамкорликнинг янги уфқлари

Бугун АҚШ давлат котиби Жеймс Бейкер жаноблари Ўзбекистонга ташриф буюради. Жумҳуриятимиз меҳнаткашлари океан ортидаги буюк давлат мўътабар вакилининг Ўзбекистонга сафарига алоҳида қизиқиш билан қарамоқдалар. Ўзбекистоннинг АҚШ билан алоқаларининг ривожланиши қадимий ва навқирон юртимиз обрў-эътиборини янада оширади, уни бутун дунёга танитади.

Шунингдек, мўътабар меҳмоннинг ҳам Ўзбекистонга қизиқиши оз эмас. Жеймс Бейкер жаноблари буни Тошкентга бўладиган ташрифи арафасида қардош давлатлар раҳбарлари билан учрашувларида ҳам эътироф этди. Зеро, Ўзбекистон Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган мустақил давлатдир. У бой хом ашё манбалари ва заҳиралари билан истиқболи порлоқ бир ўлка. Икки давлат ўртасида дўстона алоқалар кенгайиб, ҳамкорлик ривожланса америкаликлар учун ҳам, Ўзбекистонликлар учун ҳам фақат фойда келтириши турган гап.

Бунинг устига Ўзбекистон аҳолиси болажон халқ. Боласи учун жонини жабборга беришга тайёр. Бу халқдан фақат яхшилик кутиш мумкин. Жеймс Бейкернинг ўзи ҳам болажон бир инсон. У саккиз фарзандни тарбиялаяпти. Шу боисдан ҳам унинг Ўзбекистонга қизиқиши ва алоҳида эътибор билан қараши табиий.

Бугун Тошкентда бўладиган учрашувлар ва музокараларда мамлакатларимизнинг бундан буёнги равнақи учун таъмал тоши қўйилиши шубҳасиз. Азиз меҳмоннинг Ўзбекистонга сафари бир-биридан жуда олисда жойлашган ўлкаларни яқинлаштириш, ҳамкорликнинг янги уфқларини очиш билан бирга тинчлик ташрифи сифатида тарихга кириб қолади.

Мустақил Ўзбекистонга хуш келибсиз, муҳтарам Жеймс Бейкер!

Ф. Шоҳ ИСМОИЛ.

ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

УРГАНЧ, 13 февралда халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Унда 1992 йил вилоят бюджетининг асосий йўналишлари муҳокама қилинди. 1990 йил бюджетининг ижроси кўриб чиқилди.

Сессия маҳаллий Кенгашларнинг бюджетдан мутаносиб равишда фойдаланиш йўлларини режалаштирди, давлат маблағларини сарфлашда қатъий тежамкорликка амал қилиб, қўшимча даромадлар излаб топиш борасидаги ишларни давом эттиришга қарор қилди.

Вилоят ҳокими ижроия идорасининг тузилмалари ва унда ишлайдиган ходимлар рўйхати тасдиқланди.

Сессияда Хоразм вилоятининг ҳокими М. Жуманиёзов нутқ сўзлади.

(ЎзА).

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг IV пленуми олдидан

АЙНИ ИШЛАШ ПАЙТИ

Тошкент трактор ишлаб чиқариш бирлашмасида ўн икки мингдан кўпроқ киши меҳнат қилади. Улар ўз тақдири, тириқчилиги ризқ-насибасидан тортиб орзу ҳаваслари рўёбигача барча-барчасини завод ҳаёти, корхона тақдири билан боғлашган. Бироқ собиқ Иттифоқнинг парчаланиши оқибатида хом ашё таъминотида узилишлар юзага келди. Шу сабабли, баъзи цехларда иш тўхтай бошлади. Бошқа цехларда ҳам бу хуружнинг дастлабки нишоналари пайдо бўлмоқда.

Демак, қандай яшаш ва ишлаш усуллари олдиндан ўқитиб-ўргатилмаган бозор иқтисодиёти шароитининг «хоҳласанг ўргатаман, хоҳламасанг мажбур қиламан» қабилидаги қатъий талаби ушбу корхона жамоасини ҳам синовдан ўтказмоқда. Мана шундай жиддий кунларда бирлашма маъмурияти, ХДП завод ташкилоти қандай чоралар кўрмоқда! Корхона ҳаёти билан таниширканмиз, кўпроқ мана шу саволларга жавоб топишга ҳаракат қилдик.

Бироқ, афсуски, икки кун мобайнида ҳам бошланғич партия ташкилоти котиби билан учрашиш насиб этмади. Шундай бўлсада, одамлар билан бўлган учрашув ва суҳбатларда жамоадаги партиявий ишлар ҳақида маълумот олишга эришдигу, аммо партия ташкилоти фаолиятидан қониқмадик. Сабабини эса балки, ушбу далиллар аён қилар...

Бугунги кунда бирлашмада ХДП аъзолари сони 150 кишини ташкил этади. Бошқача қилиб айтганда, корхонанинг ҳар юз меҳнатчисидан икки нафаригина ХДП га аъзо. Шундай бўлгач, жамоа орасида партия ташкилотининг ўрни ва роли қандай? Партиявий ишлар қандай самара беряпти? Унинг таъсир кучини етарли деб бўладими?

Очиғи, смена бошлиғи Йўлчи ака Худойбергановнинг «Ҳа партия ташкилоти аъзолари бир келиб кетишди», — деган фикрини инобатга олмасак, бу ҳақда завод ишчилари Александр Власов, Маклан Мираҳмедов, Эрмат Сайфуллаев, Виктор Тарабрин ва Сиддиқ Мардоновнинг фикр-мулоҳазалари деярли бир йўсинда эди. Улар «Партия ташкилотидан ҳеч кимни кўрганимиз ҳам, эшитганимиз ҳам йўқ. Партия ташкилоти борми ўзи, бунисини билмайман. У билан ҳеч қандай алоқам йўқ. Фикримми? Партия янги бўлгач, унинг иш ўрни кабинетда эмас, одамлар орасида бўлиши керак. Токи партия фаоллари ўзларини танитсинлар, бошқаларни ҳам танисинлар»,— деган фикр-мулоҳазаларини айтишди. Шу билан бирга улардан корхона маъмурияти ҳозирги қийин пайтда кўраётган чоралар ва амалий ишлар ҳақида ижобий гаплар эшитдик.

Корхонанинг собиқ партия комитети котиби, ҳозирда бош директорнинг кадрлар бўйича ўринбосари Камолтой Бегалиевнинг фикри ҳам ишчилар эътирози билан ҳамоҳанг!

— Ҳа, тўғри, партия ташкилоти жуда суст ишлаяпти. Район партия кенгаши билан алоқаси деярли йўқ. Шу пайтгача кенгашдан бирор вакил келганини, бошланғич ташкилотга йўл-йўриқ ва маслаҳат берганини эслолмайман. Ҳозир партия ташкилоти ва унинг ҳар бир аъзоси айни ишлайдиган вақт. Аммо афсуски... — дедида гапини тугатмай елка қисиб қўйди.

Талабалар шаҳарчасидаги воқеалардан пушаймон бўлгандан кўра, ишга фойдаси тегадиган хулоса чиқарган маъқул. Тўғри ва одил хулоса эса ҳато такрорланмаслиги учун асосли заминдир. Буни корхона раҳбарияти ҳам тўғри идрок этади. Ахир, бу ерда икки мингдан ортиқ талаба меҳнат қилади-да. Уларнинг дарди, ташвишидан бохабар бўлиш эса жуда ҳам зарур. Шу боис, улар ишдан сўнг иштирок этаётганини айтди. Зотан бу ерда қўйилаётган муаммолар ўта мураккаб ва жиддий. Уларни ҳал этиш зудлик билан маъмурий чоралар кўришни талаб этсада, партия ташкилоти ҳам унинг ишида фаол қатнашиб сиёсий ва тарбиявий таъсир ўтказишга эришмоғи зарур. Буни шу кун вазифалари талаб қилмоқда. Қолаверса бугунги кўп партиялилик даврида қайсики партия ташкилоти ўзи ишлаётган жамоа манфаати йўлида курашмас экан, у ана шу жамоадан ажралиб қолиши ҳеч гап эмас.

Бош директор муовинлари партия аъзолари Камолтой Кўчқортоев ва Юрий Исмоилов билан фақат партиявий ишлар ҳақидагина эмас, шу билан бирга корхона меҳнат аҳли ҳозирги кунда бошидан кечираётган қийинчиликлар қандай қилиб бартараф этилаётгани тўғрисида ҳам анча-мунча суҳбатлашдик.

Дарҳақиқат, ишчиларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш масаласи аввалданоқ бирмунча яхши йўлга қўйилган экан. Шу йил 16 январдан нарх-наво яна ошди. Бирлашмада эса тушлик овқат баҳоси оширилмади. У 1 февралга қадар эски нархда, 1,5—2 сўм ҳолида ушлаб турилди. Февраль ойидан бошлаб эса тушлик умумбаҳосининг 50 фоизини корхона ўз зиммасига олди. Ётоқхоналар буфетидаги маҳсулотлар ҳам бирмунча арзон. Вақти-вақти билан саноат моллари — кийим-кечаклар савдоси уюштирилмоқда. Ишчиларга озиқ-овқат маҳсулотларини арзонроқ баҳода сотиш, асосан мол айирбошлаш усулида амалга оширилаётир. Шу йил бирор заиф колхоз ёки совхозни сотиб олиш ва 2 минг тонна қишлоқ хўжалик маҳсулоти сақланадиган омборхонани қуриб битказиш ҳам режада бор.

Уй-жой таъминоти масаласи бу ерда ҳам ночор аҳволда. Бир ярим мингдан ортиқ киши навбатда турибди. 1991 йилда Тошкент шаҳар Кенгаши корхонага бор-йўғи 3 та квартира ажратган. Бироқ маъмурият ва жамоат ташкилотлари ташаббуси билан 3-ётоқхона кичик оилалар учун ажратилди, 1-ётоқхонанинг ҳам 84 хонаси шунга мослаб жиҳозланаётир. 48 хонали уй завод ҳисобидан қурилмоқда. У шу йилнинг ўрталарига бориб ишга туширилади. Қувончлиси шундаки, бирлашмада ишлаётган аёлларнинг кўнгиллари тўқ, чунки болалар боғчасига навбат кутишга ҳожат йўқ.

— Бирлашма аҳли учун ишлаб чиқаришни сира ҳам тўхтатмай давом эттириш асосий муаммо, — дейди 1 цех бошлиғи А. Булычов,— Ахир, бугун узоқ юртларнику қўяверинг, ён қўшнимиз ҳам ўзгача «қилиқ» чиқариб қолди. Бўлмаса, ёнимиздаги шина заводи ўтган йили келишилган режа бўйича 10.000 дона ўрнига зўрға 5487 дона шина жўнатармиди. Хуллас, мана шунга ўхшаш муаммоларнинг кўпайиши хом ашё тақчиллигини тобора кучайтирмоқда. Натижада хом ашёни имкон қадар ўз республикамиз ҳудудидан топиш биринчи режага чиқди.

Бирлашма раҳбарияти чет эллар билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш йўналишида ҳам ишлар қиляпти. Германия, Хитой ва Югославия давлатлари билан амалий алоқалар учун аҳдлашувга киришилгани бунинг далили. Маълумки, бу режанинг амалга ошиши ўз навбатида келажакда бирлашмада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турини ўзгартиради. Демак, яқинда трактор заводида ғишт, енгил машина эҳтиёт қисмлари ёки бошқа хил маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Бунинг учун корхонада ҳозирдан замин тайёрланмоқда.

Ниҳоят, бу масканда кўрганимиз ва кўпчиликдан сўраб билганимиз, шундай хулосага изн берди: бирлашма аҳли бозор иқтисодиёти шароитининг бугунги қийинчиликлари олдида ҳали «гангиб» қолганича йўқ. Баҳамжиҳат ва бамаслаҳат иш юритишмоқда. Бор имкониятни ишга солиб, йўғини қидиришяпти. Бироқ, афсуски, ишлаб чиқариш бирлашмасидаги ўзгаришлар жараёнида партия ташкилотининг ёрқин изи кўринмайди. Ҳатто, жамоа орасида ХДП аъзоларининг борлиги ҳам билинмайди. Шу боис, корхона ишчи ва раҳбарият вакиллари билдирган эътирозлар жуда ўринли. Ахир партия ташкилоти ҳозирги қийин-қистов бир пайтда амалий иш билан ўзини кўрсатмас экан, қачон кўрсатади?! Зеро ҳозир ишлайдиган, ўзининг нималарга қодирлигини кўрсатадиган пайт-ку!

Ш. РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

ПАРТИЯНИНГ ОБРЎСИ

ПАРТИЯНИНГ ТАЪСИР КУЧИ, ИШ САМАРАДОРЛИГИ ЭНГ АВВАЛО УНИНГ АЪЗОЛАРИ ВА РАҲБАРЛАРИНИНГ ИШЧАНЛИГИ, ТАШАББУСКОРЛИГИГА БОҒЛИҚ, ДЕЙИШЯПТИ САМАРҚАНДДАГИ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР ШИФОХОНАСИ ХОДИМЛАРИ.

— Очиғини айтсам, ука, ғояга ишониб ўрганиб қолган эканмиз. Рост-да, таянадиган йўналишинг, мақсадинг бўлмаса яшашнинг нима қизиғи бор?

Мен шифохона ҳамшираси Евдокия Игонкинанинг мулоҳазасини эшитар эканман, маънавий қудрат инсон ҳаётида нечоғлик муҳим эканлигини яна бир карра ҳис этдим. Умуман, бу ерда ким билан суҳбатлашманг Халқ демократик партиясининг келажагига яхши кўз билан қарашади. Бунинг боисини билиш учун ҳар битта суҳбатдошимнинг юрагига «қўл соламан». Улардан эса дилида бори юзага чиқади:

— Бизда ёмон бир иллат бор. У ҳам бўлса ҳеч нарсага ишонмаслик. Халқ Демократик партияси ўз фаолияти давомида одамлардаги эртанги кунга ишонч руҳини мустаҳкамлайди, — деган умиддаман...

— Мен И. А. Каримов олиб бораётган бугунги сиёсатига юз фоиз қўшиламан. ХДП ана шу сиёсатни қувватлабгина қолмай уни амалга оширишда фаоллик кўрсатмоқда. Шу боис бу партияга аъзо бўлиб кирдим...

Икки оғиз шу шифохона бошланғич партия ташкилоти котибаси ҳақида. Ольга Оғажоновна Маркарова 1959 йилдан бери шу ерда ишлайди. Жамоат ишларини бажармаган йили йўқ. Ғоят жонкуяр, ташаббускор ходим. Дарвоқе, эри Ю. Максимов ҳам Самарқанддаги энг тажрибали шифокорлардан бири саналади.

Ольга опанинг айтишига қараганда меҳнат жамоасидаги 650 кишининг 200 нафари янги партияга аъзо бўлиб кирган. Илгари бу ерда коммунистлар сони 17-18 дан ошмаган. Хўш, Халқ демократик партияси майдонга чиққандан кейин унинг аъзолари сони шифохонада нега бунчалик кўпайиб қолди?

— Ишонч — бу ҳар қандай ишнинг ярмидан кўпи демак. Одамлар ҳозир жуда ҳам синчков. Партиянинг мақсади, вазифалари ҳаммага маълум. Аммо кишилар эндиликда партия аъзоларининг фаолиятига, нималар қилаётгани ва уларнинг қўлидан қандай ишлар келишига қараб ҳам «тўн бичишади». Бизнинг партия аъзоларимиз эса биринчи кунданоқ ҳамма ишда намуна бўлишяпти. Сўз билан амалий ишлари бир. Ҳамиша одамлар орасида, ҳар бир янгиликнинг ташаббускорлари ҳам шулар. Мана шу йўл билан ҳам биз одамларни янги партия фаолиятининг тўғрилигига ишонтира олдик. Очиғини айтсам маъмурият жуда катта ёрдам берди. Жумладан, бош врач С. Вафоқулов, у кишининг ўринбосари М. Турдиева биринчилардан бўлиб партияга аъзо бўлишди. Ваҳоланки улар илгари КПССда эмасдилар. Худди шунингдек, бош врач ўринбосари С. Асанов ХДПга биринчилардан бўлиб ўтди ва менинг ўринбосарим сифатида жуда катта ишларни амалга оширяпти.

Биз бугунга қадар расмий ҳужжатларни тайёрлаб қўйдик. Дастлабки бадаллар ҳам йиғилди. Одамлар аъзолик бадалларини онгли, ихтиёрий равишда ўз вақтида келтириб тошширяптилар.

Ольга Оғажоновна билан суҳбатлашар эканмиз, шифохонада маънавий муҳит соғломлигига ишонч ҳосил қилдик. Жамоада турли миллат вакиллари бир оила фарзандларидек меҳнат қилишаётганини кўрдик. Яҳудий З. Ханимов, поляк В. Тичинский, аёллардан арман Э. Саранцева, тожик Т. Рустамова, ўзбек М. Ёрмуҳамедова, рус О. Ивашкиналарнинг обрў-эътибори айниқса баланд. Чунки, бу ерда ходимларга миллати, келиб чиқишига қараб эмас, балки ишбилармонлик, инсонийлик фазилатларига қараб баҳо беришади. Шу боис, шифохонада даволаш ишлари намунали йўлга қўйилган. Тўқизта бўлимнинг барчаси бригада усулида ишлаяпти. Ҳар иккита палатанинг биттасига холодильник қўйилган. Ишчи-хизматчилар кучи билан ҳар йили жорий таъмирлаш амалга оширилади. Биз партия аъзоларининг айримлари билан суҳбатда бўлдик.

Т. РУСТАМОВА, бўлим мудири: — Мен илгари КПСС аъзоси эдим. 12 нафар сафдош коммунистлар қатори янги партияга ўтдим. Шу ўринда бир мулоҳазам бор. КПСС ўз сафида ношуд, нопок, ноқобил аъзоларининг кўплиги учун ҳам инқирозга учради. Биз, ана шу хатони такрорламаслигимиз керак. Айниқса партия идоралари раҳбарлари халққа яқин бўлсинлар, халқнинг дардини, эҳтиёжини, орзу-ҳавасини яхши билсинлар. Афсуски, бизда ҳали бу мақсадга эришилганича йўқ. Шаҳар ва вилоят партия ташкилотлари раҳбарларининг энг катта нуқсони оддий халқ билан юзма-юз, очиқчасига суҳбатлаша олмаслигидир. Чунки, улар жойларда фақат раҳбарлар ва тўрт-бешта раҳбарсифат фаоллар билан гаплашиб ўрганиб қолишган, холос.

В. СИМОНОВА, катта ҳамшира: — Илгари партия аъзоси бўлганман ,Устав ва Дастурни ўргангач Халқ демократик партиясига мойиллик пайдо бўлди. Лекин мени партия маҳаллий органларидаги эскича ишлаш усуллари ҳамон ранжитаяпти. Хизмат машиналари ҳалиям раҳбарларнинг оиласига хизмат қилади. Яъни, машиналар гоҳида уларнинг бозор-ўчар, тўю-томошасидан сира бўшамай қолади. Ахир, хизмат машинаси шахсга эмас, идорага берилади-ку. Ваҳолонки, раҳбарлар ана шу машиналарда бевосита корхоналарга, хўжаликларга бориб одамлар дардини ўрганиши, ташвишидан хабар олиб туриши керак. Демоқчиманки, партиянинг обрўси унинг аъзоларининг халқ орасига нечоғлик кириб бориши билан белгиланади. Раҳбарлар эса ўз фазилатлари билан партиянинг обрўсини ҳам кўтаришлари, ҳам ерга уришлари мумкин. Бизда ана шу фазилатни ўлчайдиган қатъий қоида, мезон ишлаб чиқилмаган.

Биз шифохона жамоаси билан суҳбатлашар эканмиз, қалбимизда уларга нисбатан илиқ меҳр уйғонди. Демак, одамларда эртанги кунга ишонч йўқолмаган. Халқ демократик партияси эса, агар ўз фаолиятини оқилона уюштирса одамлардаги ана шу ишончни мустаҳкамлай олади. Шифохона бошланғич партия ташкилоти аъзолари ана шу мулоҳазани кишилар онгига сингдирмоқдалар.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Матонат, шошилинч ёрдам

СУВ ҚАЙТДИ

АМУДАРЕ ЭСА ЭСКИ ЎЗАНИДАН ОҚА БОШЛАДИ, БИРОҚ...

Январь ойининг бошларидаги сув тошқинидан Бўзатов районидаги «Асфантой», «Пўрлитов» давлат хўжаликлари қаттиқ шикастланди. Сув остида қолган кўплаб турар жойлар, маданий-маиший объектлар, молхоналар зарарланди. Сув тошқини олдини олишнинг барча чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Амударё суви қайтди. Дарё эски ўзанидан оқа бошлади. Шу кеча-кундузда магистрал асфальт-тош йўллар, унчалик зарарланмаган турар жойлар ва бошқа объектларни қайта тиклаш ишлари авж олдириб юборилди. Сув тошқини даврида кўчирилган оилалар, чўпонлар, давлат хўжалиги ишчилари ўзлари истиқомат қилаётган уйларга кўчиб кела бошладилар. Уйлари йиқилган чўпонлар, механизаторларга 40 тадан кўпроқ вагон-уйлар ўрнатиб берилди.

Совуқ бўлишига қарамай Қорақалпоғистон Республикаси қурувчилари, муҳандис-техниклари унча зарар кўрмаган турар жойлар, маданий-маиший объектлар пойдеворларини тиклай бошладилар. Дарё эски ўзанидан оқаётган бўлса ҳам, сув тошқинининг олдини олишда Амударёнинг иккала қирғоғидаги Қўнғирот райони ҳудудидаги дамбаларни қуриш ишлари давом эттирилмоқда. Бу борада «Қаракалпакремводстрой» трести қурувчилари, механизаторлари жадал иш олиб бормоқдалар.

«Аралводстрой» ихтисослаштирилган қурилиш бирлашмаси, «Қаракалпакагропромстрой» бирлашмаси, 166-қурилиш трести, Тахиатош «Гидроэнергострой» қурилиш бошқармаси жамоалари сув тошқиндан зарар кўрган хўжаликларни тиклашда ғайрат кўрсатмоқдалар.

Табиий офатдан зарарланган давлат хўжаликларини тезроқ қайта тиклашнинг барча тадбирлари ишлаб чиқилган. Ҳар бири икки квартирали 56 та турар жой, чўпонлар учун 70 та уй, иккита ўрта мактаб, болалар боғча-яслиси, 2 та ҳаммом, ёзги-қишки клуб, 2 та мактаб-интернат, овул тиббий хизмат кўрсатиш амбулаторияси, фельдшерлик-акушерлик пункти, ишлаб чиқариш объектлари қурилишларини қуриб фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Бироқ қайта тиклаш ва янги қурилишларнинг ҳозирги аҳволи шу кун талабларига мутлақо жавоб бермаяпти. Бунга асосан маблағ ва материалларнинг етишмаётганлиги сабаб бўлмоқда. Бу ҳақда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари Жўлдасбой Суюнов қуйидагиларни айтди:

— Қурилишларни тезлаштириш учун камида 279 миллион сўм керак. Амалда қийналиб қолмоқдамиз. Истардикки, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги, Мелиорация ва сув хўжалиги вазирликлари ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар раҳбарлари Қорақалпоғистонда табиий офатдан зарар кўрган объектларга шошилинч ёрдам кўрсатсалар, қурилиш материаллари олишимизга амалий ёрдам берсалар. Шуларсиз тиклаш-қурилиш ишларида силжиш бўлмайди.

Яна бир муаммо. Кўп қорамоллар, сигирлар, қўй-эчкилар қўлда парвариш қилинмоқда. Чунки, яйловлар сув остида қолди. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси вазирликлари чорвани ем билан таъминлашда мадад беришлари лозим бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини чорва маҳсулотлари — гўшт, сут, туҳум билан таъминлашни яхшилаш ҳаёт талаби бўлиб турибди. Бу Бўзатов райони чорвадорларининг ижтимоий турмуш шароитини тубдан яхшилашга ҳам боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва бошқа идораларнинг амалий ёрдамисиз аҳволни ўнглаш қийин кечмоқда.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Фарғона «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси иқтисодий қийинчиликларга қарамай, бир маромда маҳсулот тайёрламоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Донадор минерал ўғитлар цехининг бошқарув пульти аппаратчилари Фильдус Ильчук (чапда) ва Галина Шелчук. 2. Жўнатиладиган минерал ўғитларни ортиш пайти.

Суратқаш Ш. АЛИМОВ (ЎзА).



ТАШКИЛОТ КОМИТЕТИНИНГ МАЖЛИСИ

12 февраль куни Тошкентда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон театрлари «Наврўз-92» IV минтақа фестивалига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилот комитетининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Мажлисда фестивалга ҳозирлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон театрлари «Наврўз-92» IV минтақа фестивалига тайёргарлик ва уни ўтказиш ташкилот комитетининг раиси Э. Самандаров 13 февраль куни шу фестиваль иштирокчилари вакилларини қабул қилди.

Учрашувда мустақил Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон ижодий ташкилотларининг раҳбарлари ўзаро фикр алмашдилар.

Фестиваль шу йил 27 мартда, яъни халқаро театр байрами кунида Тошкентда очилиб, 4 апрелгача давом этади. Унда мустақил Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон, Қозоғистон республикаларидан, шунингдек Бельгия, Голландия, ГФР, Франция, Туркия, Покистон, Америка Қўшма Штатлари, Италия, Испания каби мамлакатлардан ҳам меҳмонлар иштирок этадилар. Байрамда беш юздан зиёд киши қатнашади. Фестиваль маданият ва умуминсоний қадриятлар халқ академияси, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмасининг, мустақил Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон театрлари жамоаларининг ташаббуси билан ўтказилади.

(ЎзА).

ОРОЛ БОЛАЛАРИГА

Қорақалпоғистон республикаси Адлия вазирлигида янги ташкилот — «Орол болаларига» жамғармаси рўйхатдан ўтказилди. Мазкур республика жамғармаси Қорақалпоғистон республикаси касаба уюшмалари комитети ҳузурида ташкил этилди.

У Орол бўйи минтақаси ёш авлоди сиҳат-саломатлигини ҳимоя қилишга жамоатчилик қўшадиган ҳиссани кўпайтиришга кўмаклашиши керак.

— Маълумки, республика ҳукумати экология фалокати рўй берган минтақада одамлар турмуш шароитини енгиллатишга қаратилган бир қанча кенг кўламли ижтимоий дастурларни ишлаб чиқиб, амалга оширмоқда, — деди жамғарма раиси Марат Калмантаев,— бироқ имкониятларимиз ҳозирча етарлича эмас. «Орол болаларига» жамғармаси маблағларидан алоҳида тадбирлар ва тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда рўёбга чиқаришда, шунингдек болаларнинг соғлиғини тиклаш ва дам олиш ишларини ташкил этишда, кўп болали оилаларга инсоний, моддий ва моддий ёрдам кўрсатишда фойдаланиш режалаштирилган.

Нукус, Тошкент ва Швейцариянинг Цюрих шаҳрида жамғарманинг махсус ҳисоб дафтарлари очилди.

(ЎзА мухбири).

АФҒОН ДИЁРИДА МИЛЛИЙ НАЖОТ КУНИ

Собиқ Совет Иттифоқининг раҳбарлари калтабинлик билан Афғонистон мамлакатига уюштирган ҳарбий уруш инсоният тарихида кечирилмас хато бўлиб қолди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда бошланган қайта қуриш деган янги тушунча туфайли бу алангали қирғинга барҳам берилди. Совет Армиясининг сўнгги аскари бу мамлакатдан олиб чиқиб кетилганига уч йил бўлди. Шу муносабат билан афғон диёри узра тинчлик ва осойишталик истиқболи очилди.

Афғонистон ҳукумати бу санани нишонлаш мақсадида Миллий нажот куни маросимини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди. Шундай қилиб ҳар йили 15 февраль куни афғон диёрида Миллий нажот байрами нишонланадиган бўлди. Бу қутлуғ ва муборак байрам муносабати билан Афғонистон Республикасининг Тошкентдаги бош консули Хафизулло Эбоди ўз қароргоҳида рўзномалар, радио ва телевидение журналистлари учун матбуот конференцияси ўтказди. У ўз қадимий мамлакатининг тарихи, маданияти ва босиб ўтган йўли ва ниҳоят ўша мудҳиш уруш офати келтирган вайронагарчиликлар ҳақида батафсил гапириб берди. Узоқ давом этган бу уруш оқибатида 1,5 миллиондан зиёд киши ҳалок бўлди. 1,5 миллион киши майиб-мажруҳ этилди ва 5 миллион нафар киши қўшни мамлакатлар ҳудуди бўйлаб сарсон-саргардонлик азобини тортди.

Матбуот конференциясида бу қутлуғ сана муносабати билан «Ўзбекистон овози» рўзномасининг кўп минг кишилик муштарийлари рамзий қутлови бош консул илтифотида афғон элига етказилиши маълум қилинди.

Бош консул муҳтарам Хафизулла Эбоди Афғонистон ҳукумати Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилиниши билан ноқ жаҳонда биринчи бўлиб уни расман тан олганлигини гапириб берди. Афғонистон ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик, иқтисодий ва маданий алоқалар кенг кўламда ривожланиб боришига умидбахш йўл-йўриқлар очилаётганлигини мамнунлик билан таъкидлаб ўтди.

А. ПУЛАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

• Меҳр-шафқатли бўлайлик

МУРУВВАТ

Қувасой шаҳрида атрофи баланд деворлар билан ўралган бир мактаб бор. Аммо бу мактабда болаларнинг одатий шовқин-суронларини эшитмайсиз. Чунки 300 га яқин ўқувчиси бор бу мактаб-интернатда кар-соқов, чала эшитадиган, сўзлаш қобилиятидан нуқси бор болалар ўқишади. Заҳматкаш ўқитувчи-тарбиячилар кўнгли ярим, табиатнинг хатоси ёки гўдаклигида нотўғри даволашгани туфайли шу ҳолга тушган болаларга сабр-тоқат, чидам билан ўқиш-ёзиш, бармоқлар ёрдамида гаплашиш сирларини ўргатишади.

— Шу ерда ишлай бошлаганимга 16 йил бўлди, — дейди мактабнинг илмий бўлим мудираси Мунаввар Орзиқулова — Бу тарбия масканн вилоятда ягона. Албатта, тилсиз, қулоғи оғир болага ҳарф ўргатиш мураккаб. Лекин Фотимахон Маматова, Алёр Дадабоев, Ринат Нуриев, Мария Федотова, Муҳаммад Усмонов каби педагоглар 18—20 йилдан буён шу нозик, машаққатли касбни ардоқлаб келмоқдалар. Ўзимизни савоб ишга дахлдор деб биламиз. Зеро, эътиборсиз бўлсак жамият назаридан четда қолиб кераксиз ортиқча одамга айланиши мумкин бўлган болалардан билимли, уқувли, касб-ҳунарли шахслар қилиб тарбиялаб етиштирямиз.

Муаллима опа ҳақ. Махсус ўқув қуроллари билан жиҳозланган синфхоналарни кўздан кечирар эканмиз, болалар билан машғулотлар ўтказаётган фидойи муаллимларнинг заҳматли, нозик меҳнатига тан бердик.

90-махсус мактаб интернатда кар-соқов болаларнинг тўлақонли билим олишлари учун педагогик жамоа катта ишлар қиляпти. Аммо интернатнинг иқтисодий-маиший шароитига уларнинг эътирозлари бор. Чунки Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги тизимига кирадиган бу ўқув даргоҳига оддий мактабларга нисбатан эътибор, ғамхўрлик анча юқори бўлиши керак. Амалда эса... Интернат эски туғуруқхона биносига жойлашган. 1970 йили интернатни очиш пайтида вилоят ва шаҳар мутасаддилари вақтинча шу ерда ишлаб турингглар, кейин янги махсус бино қуриб берамиз, дея ваъда беришганди. Шунга ҳам 22 йил бўлибди. Аммо ваъда — ваъдалигича қолмоқда. Интернатдаги болалар сони шу пайтгача кўпайиб кетгач, собиқ туғуруқхона рўпарасидаги тўрт қаватли турар жой биносини ҳам бўшатиб, интернат ихтиёрига ўтказишди. Аммо бинолар ногирон болалар ўқийдиган мактаб учун зарур махсус шароитларга эга эмас. Ётоқхонанинг бир хонасида ўн, иккинчисида икки бола ётади. Бу қоидага хилоф. Овоз кучайтириш аппаратлари эскирган. Интернатнинг 22 та синфхонасидан атиги бештасида овоз кучайтиргич аппаратлари ишлайди, холос. Холбуки, бундай аппаратлар ҳар бир синфхонада бўлиши керак.

Халқ таълими вазирлигидаги сурдо методика кабинети фаолиятидан ҳам интернат педагогларининг кўнгли тўлмаяпти. Зеро, ушбу кабинет томонидан берилаётган амалий-методик ёрдам қониқарли эмас.

— Республиканинг бошқа шаҳарларидаги шундай интернатлар орасида ўзаро тажриба алмашинуви, ижобий тажрибаларни кенг тарғиб қилишда бу кабинетнинг роли деярли сезилмаяпти, — дейишди улар.

Ногирон болаларни сервитамин, тўйимли таомлар билан овқатлантириш уларни жисмоний ривожланишлари нутқ ва эшитиш органларидаги хасталикларни даволашда ўзига хос омил.

Шу ўринда бир фикр дилимиздан ўтди. Қувасой шаҳрида ўндан ортиқ йирик мевачилик, боғдорчилик давлат хўжаликлари бор. Уларда йилига ўн минг тонна ширин-шакар олма, шафтоли, гилос ва бошқа мевалар, узумнинг кўплаб хиллари етиштирилади. Наҳотки шу хўжаликлар учун озгина мева-чевани махсус-интернатга ажратиш оғир бўлса? Афсуски, интернат мутасаддиларининг айтишича, бу хўжаликлар ногирон болалар учун деярли ҳеч нарса беришмапти.

— Шаҳримиздаги бир давлат хўжалигига озгина олма сўраб борганимизда болаларингизни олиб теравергинглар, дейишдан ҳам уялмадилар, — деди ўқинч билан хўжалик ишлари мудири А. Отабеков.

Абдулҳакимнинг ўкинчига шерик бўлдик. Зеро, одамлар айниқса, қийинчилик йиллари бир-бирларига меҳр-мурувватли бўладилар. Бу табиат қонуни. Бундан ташқари Қувасойда кўпгина йирик, бақувват саноат корхоналари ҳам бор. Булар интернатни оталиққа оладилар, ногирон болалардан ўз мурувватларини аямайдилар, деб ишонгинг келади.

А. ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ

17—23 февраль

• 17, душанба

● **ЎзТВ I**

18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.20 «Келажагимиз мактабда». 19.00 «Ўзбекистон». 19.15 «Дадил қадамлар». 19.40 «Истеъдод». 20.30 «Ўзбекистон». 21.00 «Мерос». 22.00 «Кино санъати усталари».

● **ЎзТВ II**

10.30 Физика. 11.00 Телефильм. 11.30 Математика.

* * *

18.30 «Ассалому алайкум». 19.30 «Бир боғча муаммоси». 20.00 Концерт. 20.30 «Лаҳза». 20.40 ИИВ матбуот маркази хабар қилади. 20.55 «Менинг маҳаллам». 22.15 «Лаҳза». 22.25 «Порлоқ келажакка чорла». Бадиий фильм.

● **«ОРБИТА IV» (Москва)**

6.00 «Тонг». 8.30 Мультфильм. 9.15 «Сеҳрли доллар». Бадиий фильм. 10.40 XVI қишки олимпиада ўйинлари. Хоккей. МДҲ— Канада.

12.00 Янгиликлар.

14.15 «Телемикст».

15.00 Янгиликлар. 15.20 «Бу бўлган, бўлганди...». 15.40 «Азизим». Бадиий фильм. 17.10 Болалар соати.

18.00 Янгиликлар. 18.20 XVI қишки олимпиада ўйинлари. Чанғи спорти. 19.15 «Сеҳрли доллар». Бадиий фильм. 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар.

21.00 Янгиликлар. 21.20 «Янги студия таништиради». 22.35 «Астра» таништиради. 23.30 Мультфильмлар. 23.35 XVI қишки олимпиада ўйинлари.

● **«ДУБЛЬ IV» (Москва)**

8.00 Хабарлар. 8.20 Ишбилармон кишилар даври. 9.20 Олимпиада кундалиги. 9.50 Итальян тили. 10.20 Ишдан бўш пайтингизда. 10.35 «Поной» унутилган қишлоқ». 10.55 «Каширкадаги кўргазма». 11.20 «Сиз яратган боғ». 11.50 Фольклор кўрсатуви. 12.55 Болалар соати. 13.55 Мусиқий миниатюралар. 14.15 «Рус маданияти ҳақида суҳбатлар».

17.30 «Ҳар куни байрам». 17.40 «Бешинчи ғилдирак». 19.25 Қишки олимпиада ўйинлари. Фигурали учиш. 22.00 Хабарлар. 22.25 Олимпиада кундалиги. 23.00 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 23.25 «Россия билан юзма-юз». 23.30 «Онега қиссаси».

• 18, сешанба

● **ЎзТВ I**

8.00 «Ўзбекистон». 8.20 Телефильм. 8.50 «Шароитга қараб иш тут». Бадиий фильм. 9.55 «Ёшлик». 10.30 Эстрада ғроналари.

* * *

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Бойчечак» қўшиғи. 18.40 «Деҳқон маслаҳати». 19.00 «Ўзбекистон». 19.15 «Кичик корхоналар истиқболи». 19.30 «Адолат». 20.30 «Ўзбекистон». 20.50 «Спортлото». 20.55 Жўрахон Раҳимов куйлайди. 21.25 «Муқаддас устахона қўнғироғи». Бадиий фильм.

● **ЎзТВ II**

18.30 Болалар учун фильм. 19.15 Гитара оҳанглари. 19.45 «Битишувлар ва келишувлар». 20.30 «Пульс». 20.40 «Бу оқшомда». 22.00 Мусиқий меҳмонхона». 22.30 «Пульс». 22.40 «Кинонигоҳ».

● **«ОРБИТА IV» (Москва)**

6.00 «Тонг». 8.30 Мультфильм. 9.00 «Номаълум кишининг автопортрети». Бадиий фильм. 10.15 Ҳужжатли фильм. 10.40 XVI қишки олимпиада ўйинлари. Хоккей. Швеция — АҚШ.

12.00 Янгиликлар. 12.20 «Аджимушкай». 12.45 «Ён дафтар». 12.50 «Савдо растаси». 13.05 «Бу сизга керакми?». 13.20 XVI қишки олимпиада ўйинлари. Чанғи спорти.

16.00 Янгиликлар. 16.20 «Хавфли ёш». Телевизион бадиий фильм. 17.45 Мультфильм. 17.50 «XX аср солдатлари урушга қарши» халқаро телемарафонига.

18.00 Янгиликлар. 18.20 Телефильм. 18.40 «Хавфли ёш». Телевизион бадиий фильм. 20.05 «Босқичлар». 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

21.00 Янгиликлар. 21.20 «Номаълум кишининг автопортрети». Бадиий фильм. 22.30 Мусиқий манзаралар. 23.00 Рукн премьераси. 23.30 XVI қишки олимпиада ўйинлари. Хоккей. 00.30 Н. Чепрага куйлайди.

● **«ДУБЛЬ IV» (Москва)**

8.00 Хабарлар. 8.20 Олимпиада кундалиги. 8.50 Француз тили. 9.20 Қишки олимпиада ўйинлари. 10.05 Француз тили. 10.35 Қишки олимпиада ўйинлари. Икки кураш. 11.45 Ишдан бўш пайтингизда. 12.00 Шиша ва биллур музейи ҳақида кўрсатув. 12.20 «Мансаб алифбоси». 12.35 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 12.50 «Простор плюс». 13.20 Деҳқонларга тааллуқли масала.

15.15 «К-2» таништиради. 16.20 Биробижонда яҳудийлар мусиқаси. 17.30 ЖАРдан репортаж. 18.00 Криминал хабарлар. 18.15 «Ҳар куни байрам». 18.25 «Камера ўтмишни тадқиқ этади». 19.25 «Қишки олимпиада ўйинлари. Фигурали учиш. 22.00 Хабарлар. 22.25 Олимпиада кундалиги. 23.00 «Эркин мавзудаги иншо». 23.30 «Сафсаталар». 00.10 Ишдан бўш пайтингизда.

• 19, чоршанба

● **ЎзТВ I**

8.00 «Ўзбекистон». 8.20 Телефильмлар. 9.20 «Довондаги олишув». Бадиий фильм. 10.45 «Ёшлик». 11.25 Концерт.

* * *

18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.20 «Тадбиркор кишилар». 18.55 Тижорат хабарлари. 19.00 «Ўзбекистон». 19.15 «Тил — дил таржимони». 19.55 «Иқтисодий мустақиллик муаммолари». 20.30 «Ўзбекистон». 20.50 Акаука Иброҳимовлар куйлайди. 21.35 «Қанотлар парвози». Бадиий фильм.

● **ЎзТВ II**

10.30 Ҳуқуқий давлат ва ҳуқуқ асослари. 11.00 «Утмишдаги гўзаллик». 11.30 Информатика.

18.30 «Уолт Дисней таништиради...». 19.20 Классик оперетталар саҳифаларидан. 20.00 «Спринт». 20.20 Телефильм. 20.40 «Дорихона сизнинг хизматингизда». 21.40 «Апелляция». Бадиий фильм. 23.10 «02» тўлқинида. 23.25 «Телба ҳаёт». Спектакль.

● **«ОРБИТА IV» (Москва)**

6.00 «Тонг». 8.35 Мультфильмлар. 9.15 «Сашка». Бадиий фильм. 10.40 XVI қишки олимпиада ўйинлари. Хоккей.

12.00 Янгиликлар. 12.20 «Владимирда рақс байрами». 13.15 «Ўз-ўзингга мадад бер». 14.00 «Бизнес-класс». 14.15 «Телемикст».

15.00 Янгиликлар. 15.20 Мультфильм. 15.30 «Ф. Ф. Ф». 15.55 «...Ҳали урушдан аввал». Бадиий фильм, 1-серия. 17.00 Мультфильм.

18.00 Янгиликлар. 18.20 «XX аср солдатлари урушга қарши» халқаро телемарафонига. 18.35 «Ислоҳот: ҳафтама-ҳафта». 19.15 «Сашка». Бадиий фильм. 20.45 Хайрли, тун, кичкинтойлар!

21.00 Янгиликлар. 21.20 «Телевизион танишув». 22.30 Катталар учун мультфильм. 22.40 «...Ҳали урушдан аввал». Бадиий фильм, 1-серия. 23.50 Д. Хворостовский концерти. 00.55 XVI қишки олимпиада ўйинлари. Хоккей.

● **«ДУБЛЬ IV» (Москва)**

8.00 Хабарлар. 8.20 Олимпиада кундалиги. 8.50 Немис тили. 9.20 Қишки олимпиада ўйинлари. 10.20 Қишки олимпиада ўйинлари. 12.30 Ишдан бўш пайтингизда. 12.45 Немис тили. 13.15 «Узоқ Шарқ». телекўрсетуви. 14.00 «Бурда моден» таклиф этади...». 14.30 Ҳужжатли фильм. 14.50 «03» кўрсатуви. 15.20 «Остоженколик мусаввир». 15.50 «Герцен кўчаси, 1-уйда».

18.10 «Петербурглик могиканлар». 18.35 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 18.50 Ишдан бўш пайтингизда. 19.05 «Жаҳон бозорининг калити». 19.35 Шаломов асарларини ўқинг. 20.25 «Ҳар куни байрам». 20.35 Россиянинг парламент хабарномаси. 20.50 «Ночной проспект», рок-гуруҳи. 21.00 Қишки олимпиада ўйинлари. 22.00 Хабарлар. 22.25 Олимпиада кундалиги. 23.00 «Бугун» программаси.

• 20, пайшанба

● **ЎзТВ I**

8.00 «Ўзбекистон». 8.20 «Шуҳрат Йўлдошев ижро этади». 8.55 Телефильм. 9.15 «Ўрдак кўли воқеаси». Кинокомедия.

* * *

18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.25 «Бунёдкор». 19.00 «Ўзбекистон». 19.15 «Алифбо сабоқлари». 19.50 «Жума оқшомида». 20.30 «Ўзбекистон». 20.50 Мумтоз куйлардан концерт. 21.40 «Зулматни тарк этиб». Бадиий фильм.

● **ЎзТВ II**

10.30 Телефильм. 11.00 «Рақиблар». Бадиий фильм.

* * *

18.30 «Суҳбатга чорлаймиз». 19.00 «Бу оқшомда». 20.30 «Пульс». 20.40 «Бу оқшомда». 21.40 «Пульс». 21.50 «Кинонигоҳ».

● **«ОРБИТА IV» (Москва)**

6.00 «Тонг». 8.30 Мультфильм. 9.00 Телевизион танишув». 10.10 Телефильм. 10.40 XVI қишки олимпиада ўйинлари. Хоккей.

12.00 Янгиликлар. 12.25 «Инсон ва қонун». 12.55 «Саёҳатчилар клуби». 13.55 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин?». 14.10 «Ён дафтар». 14.15 «Телемикст».

15.00 Янгиликлар. 15.20 «Бугун ва ўша пайтларда». 15.50 «...Ҳали урушдан аввал». Бадиий фильм. 2-серия. 16.55 Мультфильмлар. 17.45 Труба ва оркестр учун концерт.

18.00 Янгиликлар. 18.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.10 «Кенес Жандибаев, ислоҳотчи». 19.25 «Фермата». 19.55 «Қора қути». 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

21.00 Янгиликлар. 21.20 Ҳеч нарса ҳақида репортаж. 21.35 «Кичкина Вера». Бадиий фильм. 23.45 XVI қишки олимпиада ўйинлари. 00.30 «ВИД» таништиради: «Тўққизлик». 01.10 «...Ҳали урушдан аввал». Бадиий фильм. 2-серия.

● **«ДУБЛЬ IV» (Москва)**

8.00 Хабарлар. 8.20 Олимпиада кундалиги. 8.50 Испан тили. 9.20 Ишдан бўш пайтингизда. 9.35 Испан тили. 10.05 Россиячасига хусусийлаштириш. 10.20 Қишки олимпиада ўйинлари. 12.20 Долзарб репортаж. 12.50 Телефильм. 13.40 «Россия билан юзма-юз». 14.00 Қишки олимпиада ўйинлари. 16.50 Болалар соати. 17.50 «Бешинчи ғилдирак». 19.25 Қишки олимпиада ўйинлари. 22.00 Хабарлар. 22.25 Олимпиада кундалиги. 23.00 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 23.15 Махсус тижорат хабарномаси. 23.25 Ишдан бўш пайтингизда. 23.40 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.

• 21, жума

● **ЎзТВ I**

8.00 «Ўзбекистон». 8.20 Кинопрограмма. 9.20 «Муқаддас устахона қўнғироғи». Бадиий фильм. 10.50 «Ёшлик».

* * *

18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.25 «Одамлар манфаати йўлида». 19.00 «Ўзбекистон». 19.15 Манзарали фильм. 19.25 ИИВ матбуот маркази хабар қилади. 19.40 «Навоийхонлик». 20.30 «Ўзбекистон». 20.50 Бастакор Раҳматжон Турсунов қўшиқлари. 21.30 «Тўзон». Бадиий фильм.

● **ЎзТВ II**

10.30 Зоология. 11.00 Телефильм. 11.30 Биология.

18.05 **Душанбе кўрсатади.**

* * *

● **«ОРБИТА IV» (Москва)**

6.00 «Тонг». 6.35 Мультфильм. 8.50 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 9.40 «Атиргул тутган офицер». Бадиий фильм. 11.25 Концерт.

12.00 Янгиликлар. 12.20 Телефильм. 12.40 Лючия Алиберти концерти (Италия). 13.25 «Ён дафтар». 13.30 «Бридж». 13.55 XVI қишки олимпиада ўйинлари. 16.30 «Болалар мусиқий клуби». 17.25 XVI қишки олимпиада ўйинлари.

18.00 Янгиликлар. 18.20 «XX аср солдатлари урушга қарши» халқаро телемарафонига. 18.35 «Инсон ва қонун». 19.15 «Менинг оилам ва бошқа жониворлар». 19.50 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони». 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар.

21.00 Янгиликлар. 21.20 «ВИД» таништиради. 22.35 «Волоколамск шоссеси». 00.20 Концерт. 00.50 XVI қишки олимпиада ўйинлари.

● **«ДУБЛЬ IV» (Москва)**

8.00 Хабарлар. 8.20 Ишбилармон кишилар даври. 9.20 Олимпиада кундалиги. 9.50 инглиз тили. 10.20 Қишки олимпиада ўйинлари. 11.15 Ишдан бўш пайтингизда. 11.30 Ҳужжатли фильм. 11.50 Инглиз тили. 12.20 «Севги иқрори».

14.00 «К-2» таништиради. 15.00 Россия ҳомийлари. 16.00 «Қирралар». 16.45 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 17.00 «Простор плюс». 17.30 «Тадбиркорлик ва анъаналар. 17.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 18.00 «ТелеЭКО». 18.30 «Менга сўз беринг». 18.45 «Версия». 19.00 «Нифоқ ороли. Японияда қараганда». 19.30 Ҳужжатли фильм. 19.40 Ишдан бўш пайтингизда. 19.55 Россиянинг парламент хабарномаси. 20.15 «Ҳар куни байрам». 20.25 Қишки олимпиада ўйинлари. 22.00 Хабарлар. 22.25 Олимпиада кундалиги. 23.00 «Санта-Барбара». 23.50 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.

• 22, шанба

● **ЎзТВ I**

8.00 «Ассалому алайкум». 9.00 «Бембининг ёшлиги». Бадиий фильм. 10.05 «Баджаҳл қуёнча». Спектакль. 10.55 Ўзбек тилини ўрганамиз. 11.25 «Хотира». 11.55 «Қизил яримой шуъласи». 12.25 Ёш ижрочилар концерти. 13.10 «Матбуот ва нарх-наво». 13.45 «Акаука совчилар». Спектакль. 15.15 «Тараддуд». Ислом шоир Назар ўғлининг 120 йиллиги олдидан.

* * *

18.00 Мультфильм. 18.15 «Тенгдошлар». 19.00 «Ўзбекистон». 19.20 Инглиз тили. 19.50 Телевизион миниатюралар театри. 20.30 «Туркистон» ахбороти». 21.00 «Шарқ дурдоналари». Эрон хонандаси Гугуш куйлайди. 21.50 «Махфий элчи». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.

● **ЎзТВ II**

12.05 **Ашхобод кўрсатади.**

● **«ОРБИТА IV» (Москва)**

7.30 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 8.35 Мультфильмлар. 9.05 Телефильм премьераси. 9.35 «ЭХ». Экология, хроника. 9.50 «Марказ». 10.30 Тонгги мусиқий кўрсатув. 11.00 Солдат қўшиқлари фестивали. 12.45 Телефильм. 13.00 «Бонг». 13.50 XVI қишки олимпиада ўйинлари.

18.00 Мультфильм премьераси. 18.25 Режиссёр Г. Данелия фильмлари. «Мимино». 20.00 «Россияни Версалда». 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

21.00 Янгиликлар. 21.20 «Ол, қўлим... ёки жавоб зарбаси». Бадиий фильм. 22.45 «Тонг юлдузи». 23.45 «Комик жазман ёки сэр Жон Фальстафнинг ишқий эрмаклари». Бадиий фильм. 01.00 XVI қишки олимпиада ўйинлари.

● **«ДУБЛЬ IV» (Москва)**

8.00 Хабарлар. 8.20 Олимпиада кундалиги. 8.50 Манба. 9.10 Халқаро танловлар совриндори Борис Петрушанский. 9.30 Миллий баскетбол уюшмасининг баскетбол шарҳи. 10.00 «Пилигрим». 10.45 Қишки олимпиада ўйинлари 13.00 «Петербург могиканлари». 13.30 «М-трест». 14.00 Кўп серияли мультфильм.

14.30 **Ўзбекистон телевидениесининг «ДУСТЛИК» видеоканали.**

18.00 «Познер ва Донахью». 19.00 Қишки олимпиада ўйинлари. 21.30 Ҳужжатли фильм. 21.45 «Ҳар куни байрам». 22.00 Хабарлар. 22.25 Олимпиада кундалиги. 23.00 «Санта-Барбара». 23.50 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида. 00.20 «Ўйин тугади». Бадиий фильм.

• 23, якшанба

● **ЎзТВ I**

8.00 «Туркистон ахбороти». 8.30 «Биргаликда куйлаймиз». 8.55 Телефильм. 9.35 Спорт кўрсатувлари. 10.35 Араб тили. 11.05 «Турар жой муаммолари». 11.25 «Халқ севган достонлар». 12.25 «Сарҳисоб». 12.45 «Бинафшаранг шар». Бадиий фильм. 14.00 «Деҳқон ва замин».

* * *

18.00 Мультфильм. 18.10 «Кичкинтой» устахонаси. 18.30 Турк тили. 19.00 «Ўзбекистон». 19.25 Телефильм. 19.30 «Якшанба оқшомида». 20.30 «Ўзбекистон». 21.00 «Гул дарди». Шоира Нилуфар ижоди. 22.10 «Иван Васильевич касбини ўзгартиради». Бадиий фильм.

● **ЎзТВ II**

9.05 **Бишкек кўрсатади.**

● **«ОРБИТА IV» (Москва)**

8.00 Ритмик гимнастика. 8.30 «Спортлото» тиражи. 8.45 «Эрта саҳарлаб». 9.25 «Янги номлар». 10.15 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин». 10.45 ЖАР. «Утмиш билан хайрлашув». 11.30 «Қамалак». 12.00 «ПИ» белгиси билан. 12.50 «Саёҳатчилар клуби». 13.50 Ҳужжатли фильм.

15.00 Янгиликлар. 15.20 «Джаз портретлари». 16.10 «Уолт Дисней таништиради...».

17.00 Янгиликлар. 17.15 «Анжуман». 18.00 XVI қишки олимпиада ўйинлари. 21.10 «Телелоция». 21.25 Киноконцерт. 21.55 Мультфильм.

22.00 «Якунлар». 22.50 XVI қишки олимпиада ўйинлари тантанали маросимининг ёпилиши. 24.00 Булат Окуджава билан учрашув.

● **«ДУБЛЬ IV» (Москва)**

8.00 Хабарлар. 8.20 Олимпиада кундалиги. 8.50 «Мусаввир С. Егоров». 9.10 «Орнамент» ансамбли 9.25 «Хоҳ ишонинг...». 9.55 Мультфильм. 10.30 Қишки олимпиада ўйинлари. 13.00 Мультфильм.

13.10 **Ўзбекистон телевидениесининг «ДУСТЛИК» видеоканали.**

18.00 Миллий баскетбол уюшмаси профессионаллари ўртасида жаҳон чемпионати. 19.00 «Санта-Барбара». 19.50 «Ҳар куни байрам». 20.00 Россиянинг парламент хабарномаси. 20.15 «Ҳайвонот оламида». 21.20 Ҳажвий кўрсатув. 22.00 Хабарлар. 22.25 Олимпиада кундалиги. 23.00 «Россия билан юзма-юз». 23.20 «Бизнес МН» таништиради. 23.30 «Джаз-тайм».

(«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» ҳафталиги асосида тайёрланди).

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ. Андижон шаҳридаги «Лола» қўғирчоқ театри бирданига учта янги саҳна асарини тайёрлади. Вилоят кичкинтойлари «Лола» жамоасини яхши биладилар. Улар меҳнаткашларнинг фарзандлари ҳузурида, мактабларда, мактабгача муассасаларда бўладилар. Театр жамоаси Қирғизистоннинг қўшни Ўш вилояти фарзандларига ҳам қизиқарли саҳна асарларини намойиш қилмоқда.

Театр ташкил этилгандан буён юздан ортиқ саҳна асарини қўйди. Жамоа Варна шаҳрида бўлиб ўтган халқаро анжуманда бронза медалини қўлга киритган.

Театрда асосан ёшлар ишламоқда. Уларга республикада хизмат кўрсатган артист Баҳодир Жабборов раҳбарлик қилмоқда.

Суратда: (чапдан ўнгга) актёрлар Қудратилла Парпиев Ойбек Абдуллаев, Зиёддин Мамасиддиқов, Фаридахон Саисломова, Баҳодиржон Жабборов «Оҳанрабо» янги саҳна асаридаги қўғирчоқларни намойиш этишмоқда.

Ш. АЛИМОВ сурати (ЎзА).

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР



Станок балансировочный „eldis-1200„

«ГУЛНОРА» КИЧИК КОРХОНАСИ

Енгил автомобиллар ғилдираклари мувозанатни ростлайдиган «Елдис—1200» (балансировка) дастгоҳини нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотади.

Тошкент шаҳридаги 34-25-81 телефони бўйича соат 9-18.00 гача тегишли маълуотларни олишингиз мумкин.

19 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНБА

● **БУ КУННИ ЁДДА САҚЛАБ ҚОЛИНГ.**

Ўзбекистон универсал деҳқончилик-саноат «Ўзбекистон» биржасининг акционерлик жамияти **чеклган миқдордаги брокерлик ўринларини сотиш бўйича очиқ савдони ва кимошди савдосини ўтказади.**

● Очиқ савдода ва кимошди савдосида қатнашиш учун аризалар 18 февралгача қабул қилинади.

Рўйхатга олиш пайтида чек дафтарчаси ёки банкнинг ташкилотнинг пул тўлаш қобилиятига эгалиги ҳақидаги маълумотномаси, битимлар тузиш ҳуқуқини берувчи ишонч қоғози ҳамда банкнинг савдо-сотиқда иштирок этиш учун пул тўланганлиги ҳақидаги қайди қўйилган тақдимноманинг

нусхаси топширилади. Кириш чиптаси — 500 сўм. Хорижий иштирокчилар учун — 100 доллар. Ҳақни рўйхатга олиш пайтида нақд тўлаш мумкин.

Биржа муассасалари ҳамда брокерлик ўринларининг эгалари учун кириш бепул.

БИРЖА МАНЗИЛГОҲИ: 700043, Тошкент, Халқлар дўстлиги шоҳкўчаси. Ҳисоб-китоб рақами 000467002. ўзаро алоқа ҳисоб рақами 400167903, код 172682403. Ўзбекистон деҳқончилик-саноат Республика акционерлик тижорат банки.

БИРЖА КАНАЛИ: (3712) 45-06-45, 45-83-17.

ФАКС: 45-14-43.

ЯНА ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ: «Ўзбекистон» деҳқончилик-саноат биржасининг брокерлик ўринларини сотиш бўйича очиқ савдо ва кимошди савдоси фақат бир кун — 19 февралда бўлади.

Савдо Ўзбекистон Республикаси Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмасининг «Ирригация ва мелиорация» павильонида соат 11.00 да бошланади.

Рўйхатга олишга соат 9.30 дан киришилади.

ЎЗБЕКИСТОН "АГРОСАНОАТ БИРЖАСИ" • "АГРОПРОМ БИРЖА „ЎЗБЕКИСТОН"

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИНІ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ҳ. С. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар илмгоҳи раҳбарияти ва касаба уюшмаси қўмитаси илмгоҳ ходими М. Ғаниевага онаси

МАРЯМХОН аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Фандар Академияси Алишер Навоий номидаги адабиёт институтининг илмий ходими, филология фанлари номзоди Равияжон Абдуллаевага онаси

Оқгул АННАҚИЛИЧЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

М. Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти раҳбарияти ва жамоаси Ўзбекистон халқ рассоми, профессор Н. М. Қўзибоевга акаси

Абдулла ҚУЗИБОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

М. Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти раҳбарияти ва жамоаси мусиқали театр актёри маҳорати кафедрасининг мудири, доцент Ф. Абдуразоқовга онаси

Тожихон ҲАЙДАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ГУРУНГ

• ЖАҲОН НИГОҲИДА

ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОФ

Покистоннинг Карочи шаҳрида инглиз тилида чиқадиган «Доон» рўзномаси ўзининг 1991 йил 25 сентябрь сонида Совет Иттифоқининг бўлиниб кетиши натижасида Қозоғистон ва Ўрта Осиё Республикаларининг ҳозирги мақоми ва келажаги ҳақида катта бир мақолани босиб чиқарди. Бу мақола Покистоннинг Рабоҳ шаҳрида урду тилида чоп этиладиган «Ал-Фазл» рўзномасининг 1991 йил 12 декабрь сонида «Ўрта Осиёда тонг саҳардан кейин» сарлавҳаси остида қайта чоп этилди.

Қуйида мазкур мақоланинг мустақил Ўзбекистон Республикамизга бағишланган қисмини газетхонлар эътиборига ҳавола қиламиз.

Ўзининг порлоқ ўтмиши туфайли Ўзбекистон Республикаси тўққизинчи асрдан бошлаб аҳамият касб этади. Самарқанд, Бухоро ва Тошкент унинг ажойиб ўтмишидан далолат беради. Ўзбекистонда ҳаммаси бўлиб 20 миллион аҳоли яшайди. Унинг 70 фоизи ўзбеклар, 11 фоизи руслар ва 13 фоизи бошқа миллат мусулмонларидир. Ўзбекистоннинг майдони Покистоннинг уч вилояти яъни, Панжоб, Чегар қисмидаги Провинция вилояти ва Синдҳ вилоятининг умумий майдонига баробар бўлиб, у бошқа тўртта республика (Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон, Қозоғистон — Ғ.Р.) ҳамда Афғонистон билан чегарадошдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси юз фоиз саводли. У ерда 40 дан ортиқ олий ўқув юрти бўлиб, уларда қариб икки юз эллик минг нафар талаба таҳсил олмоқда.

Ғаффор РИХСИТУЛЛАЕВ таржимаси.

• Луқма

ТОШКЕНТ ВАҚТИ БИЛАН

Сафарга отланмоқчи бўлдингиз. Чиптага қарайсиз., Самолётингиз учишига ҳали эрта. Вақт эса ўтиб боряпти, ие, бу қанақаси! Ҳа, ҳа, эсингиздан чиқмасин. Чиптага Москва вақти қайд этилган. Поездингизнинг жўнашига қанча қолди? Чиптангизга қаранг! Ҳали вақт бор деб ўйламанг. Унда Москва вақти белгиланган.

Биз самолёт ва поезд ҳақида бежиз тўхталмадик. Шаҳарлараро автобус қатновида ҳам шу аҳвол. Лекин, қачонгача давом этади бу ҳол?

Республикамиз мустақилликка эришди. Бугун ҳар биримиз учун Москвадан кўра пойтахтимиз Тошкент азиз ва мўътабарроқ!

Шундай экан, шаҳримизнинг қўналғалари — дарвозалари ҳисобланмиш аэропортлар, вокзаллар, автобус бекатларида «Тошкент вақти билан» ибораси алоҳида қайд этилишининг, чипталардаги сўзлар давлат тилида тўлдирилишининг вақти келмадимикин?

М. ПИРМАТОВ.

Маънавият

ИЙМОННИНГ МАЪНОСИ

Оллоҳнинг зотини ва сифатларини билиш ҳамда уларга эътиқод қилиш — иймон дир. Оллоҳнинг ягоналигидан, ҳақиқий сифатларидан, қонунидан, қиёмат куни бандаларни амалларига қараб жазолаши дан огоҳ бўлиб, уларга чин дилдан эътиқод қилган киши мўминдир. Инсоннинг мусулмон, яъни Оллоҳга тоат қиладиган унинг қонунига бўйсунадиган бўлиши — иймоннинг натижаларидандир.

Мана шу гапнинг ўзидан инсоннинг мўмин бўлмагунча мусулмон бўла олмаслигини билиб олган бўлсангиз керак. Иймоннинг ислом билан бошланиши уруғнинг дарахт билан боғланишга ўхшайди. Дарахт уруғсиз унмайди, гарчи уруғ ерга ташланса ҳам ернинг қурғоқчилиги ёки ҳавонинг айниши сабабли дарахтнинг амал олмаслиги ёки олса ҳам кемтик бўлиб ўсиб қолиши мумкин. Худди шунга ўхшаб инсоннинг дилида иймон бўлмаса, мусулмон бўлиши ҳам мумкин эмас. Шу билан бирга инсоннинг дилида иймон бўлса-да ўзининг беқарорлиги, таълим-тарбиясидаги нуқсони ёки муҳитнинг таъсиридан исломи тўла бўлмаслиги мумкин.

Буни тушунганингиздан кейин, билингки, инсонлар мана шу икки асос — иймон ва ислом эътибори билан тўрт тоифага бўлинадилар.

Биринчи — Оллоҳга иймон келтирадилар ва иймон тақозоси билан ҳаракат қиладилар. Яъни Оллоҳга итоат этиб, унинг буйруқларига бўйсунадилар. У қайтарган ишлардан ёнаётган чўғни қўлга олишдан чўчигандек ҳазар бўладилар. У рози бўладиган амалларга эса тирикчиликка интилгандек интиладилар. Улар — ҳақиқий мўминлардир.

Иккинчи — Оллоҳга иймон келтирадилару, лекин шу иймон тақозоси билан ҳаракат қилмайдилар, яъни Оллоҳга итоат этиб, унинг қонунига тўла бўйсунмайдилар. Улар гарчи иймонлари камолига етмаган бўлса ҳам, ҳар ҳолда мусулмондирлар. Гуноҳкорлар тоифасидан ҳисобланиб, қилган гуноҳларига яраша азобланадилар, чунки улар барчанинг подшоҳи Оллоҳ эканлигини тан оладилар ва унинг қонунига қисман бўлса-да, итоат этадилар.

Учинчи — Оллоҳга ишонмайдилару, лекин сиртдан қараганда мусулмонлар каби яхши ишлар қилаётганини кўрасиз. Ростини айтганда улар золимлардир. Оллоҳга итоат билан ҳаракат қилмаганликлари учун уларнинг амаллари инобатга олинмайди. Улар подшоҳнинг подшоҳлигини тан олмаган, қонунига бўйсунмаган кишига ўхшайдилар. Бундай кишининг подшоҳ қонунига зид бўлмаган ишларни қилишлиги подшоҳга бўлган садоқатидан, унинг қонунига бўйсунмаслигидан, деб эътибор қилинмайди.

Тўртинчи — Оллоҳга ишонмайдилар. Бунинг устига унинг буйруқларига зид бўлган номаъқул ишларни қиладилар. Булар — энг ярамас, золим ва бузғунчилардир.

«ИСЛОМ АСОСЛАРИ»дан.

МУШТАРИЙ ЭЪТИРОЗИ

САҲНАГА ЧИҚОЛМАЙ ДОҒМАН

Фарғона вилояти музикали драма ва комедия театри билан вилоятлар, давлат филармонияси ёнма-ён жойлашган. Анча йиллар таъмирлангандан сўнг театр биноси анча кўркам тусга кирди.

Аммо филармония биноси ҳақида бундай деёлмаймиз. Водий вилоятларига маданий хизмат кўрсатадиган бу даргоҳда 50 дан ортиқ санъаткор шуғулланади. Филармония биноси 1913 йилда қурилган бўлиб, Фарғона шаҳар кенгаши ижроия комитети 1957 йилдаёқ бу бинони фойдаланишга яроқли, деб топган эди. Бор-йўғи тўрт хонадан иборат бино ичида асосан филармония раҳбарларининг хоналари ва ҳисобчилар ўтирадиган жойлар бор. Қўшиқчи ва раққосалар, сўз санъати усталарининг машқ қилишлари учун мутлақо етарли шарт-шароит йўқ.

Филармония гуруҳларидан бири Фарғона ипак комбинати клубида машқ қилади. Қолган гуруҳлар бирорта жой ёки клуб биносини топсалар, шундагина шуғулланадилар.

Артистларнинг тарқоқ яшаши, муқим шуғулланадиган жойнинг йўқлиги туфайли ҳам қўпинча белгиланган концерт-томошалари ҳам ўз вақтида ўтказилмай қолади. Баъзан эса автобусларга ёнилғи йўқлиги туфайли ҳам шундай ҳодисалар бўлмоқда.

Аҳвол мана шундай бўлгач, ёш санъаткорлар охири филармонияни ташлаб кетмоқдалар. Афсуски, вилоят маданият бошқармасидаги мутасадди ўртоқлар бу даргоҳдаги аҳвол билан деярли қизиқмаяптилар. Ҳолбуки, бозор иқтисодиёти ёки бошқача шароитдами бари бир санъаткор учун тегишли шарт-шароит яратиб бериш, унинг ижодига кенг йўл очиш ҳаммамизнинг бурчимиздир.

А. АҲМЕДОВ, нафақахўр.

Пиру-бадавлатларимиз

БАХТ ДЕГАНИ, ШУ-ДА

Сора ая қоқ пешинда мизғиб олмоқчи бўлди. Қаёқда дейсиз?

— Ҳой эгачи, уйдамисиз? — деган овоз келди. Қараса қўшниси Анзират хола.

— Олдингизга чиққаним, ҳалиги, бугун неварамни унаштирадиган бўлиб турибмиз. Шунга ўзингиз бош бўлсангиз, девдим. Ҳали замон қудалар ҳам келиб қолишади.

Уззу-кун шу аҳвол. Барака топгурлар Сора аяга тинчлик беришмайди. Қайсидир келин аразлаб кетиб қоладими, кимдир маҳалла шаънига доғ туширадиган ножўя иш қиладими, ҳаммасига ая балогардон. Чунки, у одамларни тўғри йўлга солиб, савобли ишлар қилиб ўрганган.

Ая Тошкентнинг «Октябрь 50 йиллиги» маҳалласида эътибор топди. У Шорихсиевлар оиласининг бекаси. Сора ая Турсунова турмуш ўртоғи Усмон аканинг муаллимлик анъанасини давом эттириб, адашмади. Етти нафар фарзанди ўзидан тинган. Тўнғичи Умид — шаҳар ободонлаштириш бошқармасининг бўлим бошлиғи, Уйғун — соғлиқни сақлаш аъзочиси, Эльмира — муҳандис, Арофат — кимёгар, Бадриддин — ҳарбий хизматчи, Эътибор — халқ таълими ходими, Борий — «Орзу» фабрикасида уста.

Яқинда маҳалла аҳли, қариндош-уруғлар, фарзандлару муаллимлар онахоннинг 75 йиллик тўйини нишонлашди.

Исмоил ЗОИРОВ.

Суратда: Сора ая ўз оиласи даврасида.

• *Қайта қуриш афсонаси: Гдлян—Иванов*

Виктор ИЛЮХИН

РИЁКОРЛАР

АЙБСИЗЛАРНИ ШУНДАЙ ТАҲҚИРЛАШГАН

Ҳа, Гдлян миллионлар билан мақтанган, бироқ мана шундоқ қилиб учдан бирини, 15 миллионни қўшиб ёзганига ишонгинг келмайди. Агар мақтаниш бўлмаса, бу миллионлар қаёққа кетди?

Гдлян ва Иванов битта депутатлик мандати учун Арманистонга қочишаётиб мана шу етишмовчиликдан қўрқишмаганмикин?

Кўпгина ишлар айбланувчилардан, уларнинг жойлардаги қариндошлари ва таниш-билишларидан мусодара қилинган пуллар, заргарлик буюмлари, облигациялар саноқдан ўтказилмаган, баъзан муҳрланмаган. Бу суиистеъмолликларга йўл очган ва кейинчалик шу нарсаларни сақлашга нисбатан масъулиятсиз муносабатда бўлишга олиб келган.

Қимматбаҳо нарсалар вақтида кўздан кечирилмаган, баъзан бу иш 2—3 ойдан кейин юзаки ўтказилган. Айниқса заргарлик буюмлари. Узуклар, билакузуклар, занжирлар ва бошқа нарсаларнинг умумий миқдорини кўрсатиш одат бўлиб қолган эди. Уларнинг хусусиятлари, ўзига хос белгилари, масалан, соатларнинг номерлари ёзиб қўйилмаган. Кўпгина ишларда тегишли мутахассислар таклиф этилмасди. Заргарлик буюмлари СССР Молия вазирлигининг Давлат ғазнасига топширилар эди. Турли шахслардан тортиб олинган қимматбаҳо нарсалар кўпинча битта ўрам қилиб юборилар, оқибатда уларнинг эгалари номаълумлигича қолиб кетарди.

Айрим ҳолларда нарсаларни мусодара қилиш шу ҳақда қарор чиқармай, тегишли баённома тузмасдан амалга оширилган. Шунинг учун мусодара ҳақида сўроқ баённомаларига қарабгина фикр юритиш мумкин. Мусодара ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари ҳар доим ҳам тақдим этилмасди. Қимматбаҳо нарсаларнинг ҳаммаси ҳам муҳрланмас ва алоҳида жойлаштирилмас эди. Бу қонунбузишлар ҳар бир иш бўйича илова қилинган ҳужжатларда фамилияси кўрсатилган терговчилар, шунингдек, тинтув ва нарсаларни тортиб олишда иштирок этган Гдлянниг ўзи томонидан содир қилинган.

Айрим материаллар билан танишиб чиққандан сўнг ўз-ўзидан шундай савол туғилади: «Ўзи нима бўлган, мусодара қилинган қимматбаҳо нарсалар ўғирланганми ёки улар йўқолганми?».

Хулоса ясашга шошилмайлик. Аввало баҳсга ўрин қолдирмайдиган фактларга мурожаат қилайлик. Энг катта мусодара А. К. ва М. Х. ишларига тўғри келади. Ҳар биридан 6 миллиондан. А. Х. дан 5 миллион 800 минг, Қ. Н. иши бўйича икки миллионга яқин, И. У., Қ. К. ишлари бўйича бир миллиондан ортиқроқ, А. Р. дан бир миллионга яқин, Г. М. ва Х. Н. дан[1] ярим миллионга яқин қимматбаҳо нарсалар мусодара қилинган.

Бошқа шахслардан аҳамияти камроқ нарсалар олинган. Давлат хавфсизлиги терговчилари ва оператив ходимлари Бухоро вилоятида қўзғатган жиноий иш бўйича мусодара қилинган 8 миллионни ҳам Гдлян «ўзининг» миллионларига қўшиб олгани ҳам баҳсга ўрин қолдирмайди. Бу ишни кўпинчалик барча далилий ашъёлари билан ўз қарамоғига олган эди. Шу миллионларни ҳам у прокуратура залидаги кўргазмада, бошқа жойларда, телевизор экранларида кўз-кўз қилди. Ҳа, Гдлян бировларнинг меҳнатини кўпинча ўзиники қилиб кўрсатар эди. Мусодара қилинган нарсалар учун терговчилар бир-икки маош ҳажмида пул мукофотлари олишар, уларга навбатдаги юлдузчалар ва шунчаки раҳматномалар бериларди.

Бухоро вилоятининг ўзида бир пайтнинг ўзида прокуратура, ИИВ ва давлат хавфсизлигининг бир қанча тергов гуруҳлари ишлаган. Кунлардан бир кун маҳаллий терговчилар каттагина мусодарани мўлжаллашгани, қимматбаҳо нарсалар сақланаётган жойни аниқлашгани ва тинтувга ҳозирланишаётгани Гдлянга маълум бўлиб қолади. Гдлян ўзи олиб бораётган терговга сира алоқаси бўлмаган мазкур ишни асоссиз равишда маҳаллий ҳамкасбларидан ўзига беришни талаб қилди. Лекин қонуний рад жавобини олди. Шундан кейин Гдлян ва Иванов бухоролик терговчилар билан тинтувда иштирок этиш ҳақида битимга келишди. 800 минг сўмча пулни мусодара қилдилар. Бунинг ҳаммасини Гдлян гуруҳи ўзига олиб, икки ҳафтадан ортиқ ушлаб турди. Муваффақиятли операция ҳақида юқорига ҳисоб беришиб, бу «омад»ни ўз рўйхатларига ёзиб қўйдилар. Пулларни эса кейин Бухоро вилоят прокуратурасининг депозит ҳисобига қайтиб беришди. Албатта, бу ўзини кўз-кўз қилишдан бошқа нарса эмас.

Миллионлар ортидан қувишда ҳеч нимадан ҳазар қилишмади. Пул олишга эришиш учун кишиларни қонунсиз ушладилар ва ҳибсга ола бошладилар. Одамларни ойлаб ҳибсда ушлаб турдилар, қариндошларини қўрқитиб пул йиғишга мажбур этдилар. Олинган нарсалар орасида жиноятчиларга мутлақо тегиши йўқ кўплаб қимматбаҳо ашёлар бўлганини тасдиқлай оламан. Кишилар ўзлари ва яқинлари тақдири учун қайғуриб, ҳалол меҳнат билан топганларини келтириб топширганлар. Гдлян материаллари бўйича Ўзбекистондаги тергов пайтида қимматбаҳо нарсаларни сақловчилар деб аталган 100 дан ортиқ одам қонунсиз ушланган ва қамоқда сақланган. Гуруҳ ишида ундай кишиларни «гаровга олинган»лар деб аташарди. Мисол учун Каримов А. иши бўйича 23 киши «гаровга олинган». Айрим кишилар тергов ҳибсхонасида тўққиз ойдан (!) ўтиришган.

Шундай вазиятга хос бўлган нарса шуки, уларни қамоққа олиш билан боғлиқ барча материаллар ишдан юлиб олиниб, «чуқур»га ташлаб юборилган. Суддалар кўзидан бу материаллар шу тариқа яширилган. 10 фарзандни туғиб тарбиялаган Қаҳрамон она П. М. 9 ой турмада ўтирган. Бу пайтда унинг эри ҳам ҳибсга олинган. Уларнинг беш нафар норасида боласи нонсиз, овқатсиз тақдир ҳукмига ташлаб қўйилган. Яхшики, қўшнилар ва қариндошлар болаларни боғирларига олишган, шунча ой ичида боқишган. Онани жиноий йўл билан топилган нарсаларни сақлашда айблаганлар. Судга эса фақат эрига тегишли материалларни юборганлар. Кекса аёлни ҳибсга олишга доир материалларни В. Иванов олиб қўйиб суддан яширган. Унинг бу маккорлиги суд мажлиси пайтида ошкор бўлиб қолди. Шу муносабат билан суд бутун ишни қайта терговга юборди. Кейин бу иш ҳибсга олинганлар ҳаракатида жиноят бўлмаганлиги учун бекор қилинди.

П. М. бу бедодлик қурбони бўлган ягона кўп болали она эмас. Худди шу тариқа тўққиз боланинг онаси П. А., ўн бир фарзандли Б. Т., ўн икки болали А. С. қамоққа олинган эдилар. Улар ва яна бошқа кўпгина аёллар жиноят учун эмас, шунчаки уйдирма гумонлар ва айбловлар билан ушлаб қамалишган эди.

Агар янада аниқроқ айтиладиган бўлса, Ўзбекистон Жиноят мажмуасида, бошқа республикаларда бўлганидек, жиноят йўли билан орттирилган қимматбаҳо нарсаларни сақлаганлик учун жавобгарликни кўзда тутувчи модда бўлмаган ва йўқ. Лекин Гдлян ва Иванов, уларнинг терговчилари ҳужжатларда бор деб кўрсатаверишган. Жиноятни яширганлик учун жавобгарлик бор бироқ ҳаммаси учун эмас, балки хавфли ва оғир жиноятни яширганлик учун модда бор. Бундай жиноятлар рўйхати мажмуаларда келтирилган. Гдлян эса тўла тизгинсиз қолиб жиноятчиларнинг янги таркибини ўзи белгилаб, шунга мувофиқ одамларни ўтқазаверди. У ўнлаб айбсиз кишиларни таҳқирлади. Бироқ уни ва Ивановни ҳимоя қилувчилар топилиб қолди. Бу ҳимоячилар терговчиларнинг берган материаллари асосида, жумладан газета ва журналларнинг саҳифаларида ҳам, қонунни бузмай мафияни енгиб бўлмаслиги ҳақидаги узундан узоқ мулоҳазаларга берилдилар. Албатта, қонунлар такомиллаштиришга муҳтож. Лекин шундай савол беришга ҳақлимиз:

— Бегуноҳ, кўп болали оналарни, ҳомиладор аёлларни, мункиллаб қолган қарияларни қамоққа олиб Гдлян ва Иванов қайси мафия билан курашдилар? Бу ҳибсга олишларда улкан жиноятга қарши курашнинг бирон бир маъноси бормиди?

Албатта йўқ!

«Гаровга олинган»ларга доир материалларни судга тақдим этмаганликларининг сабаби битта — улар тергов сохталаштирилгани эл-га овоза бўлишидан чўчиганлар.

Шу тарздаги қонунсиз усуллар билан ҳаракат қилган терговчилар жиноятга мутлақо алоқаси бўлмаган кишиларни ўз-ўзларига ва бошқаларга туҳмат қилишгача олиб бордилар. Ўз шахсий жамғармаларини, қариндош ва танишларидан қарз олиб, бутун қишлоқдан йиғиб келган пулларини терговчиларга топширишга мажбур қилдилар. Баъзан одамлар қамоқдан қўрқиб магазинлардан заргарлик буюмларини сотиб олиб гўё жиноят йўли билан орттирган бойликдек терговчиларга келтириб беришган. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкин, шундай «мусодара» бутун Ўзбекистонни қамраб олган эди.

(Давоми бор).

(Давоми. Боши ўтган сонда).

Судланган ёки тергов қилинганлардан кўпчилиги оқланганми ёки авф этилгани учун исм-шарифларини тўлиқ келтирмадик. (Тарж).

Халқ табобати

ОТАШ ИЛА ДАВОЛАШ

— Инсоният тараққиёти тарихида биз оловнинг қутқариш аҳамиятини негадир унутиб юборганмиз. Ҳа, худди шундай... Олов даволаш воситаси, — дейди кекса суҳбатдошим бошини кўтариб. Қисиқ кўзлари унинг кўпки кўрганлигидан далолат беради.

Бу кишининг исми шарифи русча бўлиб, унинг қиёфасига монанд тушмайди. Пётр Алексеевич — корейс, отасининг исми Пак. Тақдир тақозоси уни биз биринчи бор учрашган жойимиз — Қора денгизнинг қирғоғидаги шаҳар — Гаграга олиб келган.

— Эслаб кўринг, — деб давом эттирди сўзини у, — халқ табиблари қадим замонлардан буён «жароҳатни қиздирилган темир» билан даволашган. Бу кўп мамлакатларда қўлланилган усул. Ҳозирда ҳам Африканинг айрим қабилаларида қаттиқ қиздирилган темир турли хасталикларни даволаш воситаси сифатида ишлатилади. Вақти келиб Европада олов билан даволаш деярли унутиб юборилди. Шарқ табобати бўлса, бу усулни ҳеч қачон унутмади.

Ҳар қандай одамнинг танасида юзлаб нуқталар борки, унга таъсир этиб, тегишли аъзонинг аҳволини яхшилаш мумкин. Бу чегара эмас. Ана шу нуқталар, яъни митти маёқчалар бутун тананинг асаблар тизимида жонланиб турган ҳаёт ҳақида, хасталиклар тўғрисида хабар бериб туради. Қадимги табиблар юзлаб йиллар давомида ана шундай нуқталарни ўрганиб аниқлаганлар. Бунинг изоҳ берувчи чизмалари, расмлари ҳам бор. Қоидага кўра бу нина билан даволаш қўлланмасидир.

— Биз олов табобати йўли билан бемор аъзога таъсир кўрсата оламиз, — дейди табиб.—Мавжуд дори-дармонлардан ҳам воз кечмаймиз. Ҳамма гап шундаки, шарқ табобати даволашнинг бошқа услубларига тўсқинлик қилмайди. Аксинча қадимий ва замонавий услубларнинг муштараклиги янада самарали шифо беради.

— Бемор киши танасида кўринмайдиган ўша нуқталарни сиз қандай қилиб билиб оласиз?

— Бемор киши томир уришини ўлчаб хасталикни аниқлайман. Ўша нуқтани билиб олиш учун даволовчи экстрасеанс каби қобилиятга эга бўлиши лозим, — тушунтиради Пётр Алексеевич. — Ўша нуқтанинг шартли жойини топиб, унга қўл теккизмаган ҳолда, кафтимни унинг устида оҳиста юргизаман ёки айлантираман. Нуқталар ўзи ҳақида хабар бериб туради. Тажрибали шифокор деярли янглишмайди.

Шундан кейин даволашни бошлайман. Белгиланган нуқтани қиздириш танага кучлироқ таъсир этади. Афтидан, фақат карахт қилишгина эмас, балки давомий ҳарорат ўзининг кучини кўрсатади. Доридармон воситалари ҳам шифо бўлади. Мен шахсан қиздирувчи куч сифатида эрмоннинг қайноқ қулини ишлатаман. Бу ажойиб усул...

Баданда бир неча дақиқа қаттиқ оғриқ пайдо қилувчи юлдузча ҳосил бўлади. Кул ўша жойга сингиб кетади. Муолажани ўша нуқта устида бир неча бор такрорлайман. Нуқталар миқдорини шифокорнинг ўзи белгилайди. Қиздириш ҳамиша масъулиятли. Терида эскича қиздиришни «чироқ ёқиб йўлбарс овлаш»га таққослашади. Бу шундайки, йўлбарс кўринмайди, чироқ эса ёритади, демак касаллик кўринмайди, даволаш эса эпини топади. Узоқ умр кўриш масаласини олайлик. 242 йил умр кўрган япон узоқ яшашнинг бобокалони бўлган. Минг йилнинг чорагидан ўтган хитой ва унинг хотини 217 ёшида вафот этган. Буларнинг бари Шарқ кишилари бўлиб, ҳар ойда «узоқ умр кўриш» нуқталарини қиздириб туришган.

— Ҳа, ўзим ҳам шу 67 ёшимда нариги дунёга шошилаётганим йўқ, — деб кулимсирайди Пётр Алексеевич. — Мана кўринг, тиззадан уч энли пастдаги жой узоқ умр кўриш нуқталаридир. У шимиқ поччаларини кўтариб, оёғида қизил-кўкиш куйган жойларни кўрсатди.

Умр йўлдошим Ольга Антоновнага, мен камида юз йил умр кўришим ҳақида ваъда берганман. Шубҳа қилмай кўя қолсин...

З. ВАСИЛЬЕВ.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-36-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● 367.500 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № 221.

№ 33.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21 Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.